



ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВАЗИФАСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

*Насритдинов Азизхон Анварович**

*. **Аннотация.** Мақолада тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти соҳа олимларининг фикрлари асосида таҳлил қилинган, уларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, шунингдек тергов органларининг жиноятларни профилактика қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар ўрганилган. Тергов органлари томонидан жиноятнинг профилактика қилиниши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида жиноятнинг олдини олиш фаолиятни янги механизмини ташкил қилиш ва уни самарали режаслаштириш, жиноятларни барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.*

***Калит сўзлар:** жиноятларнинг олдини олиш, сабаб ва шароит, суриштирувчи, терговчи, прокурор, тақдимнома, жиноят белгилари, жиноят иши, жиноят муҳокамаси, ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар, объектив ва субъектив сабаб, объектив ва субъектив шароит, ижтимоий-психологик ҳодисалар, зайриижтимоий қарашлар, исботлаш предмети*

СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЗАДАЧИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ НА ПРЕДВАРИТЕЛЬНОМ РАССЛЕДОВАНИИ.

***Аннотация.** В статье анализируются мнения специалистов в области профилактики правонарушений органов дознания, их понятие, содержание, а также нормативно-правовые документы в области профилактики правонарушений органов дознания. Следственные органы уделяют особое внимание вопросу предупреждения правонарушений. В заключительной части статьи поясняется, что большое значение в раннем предупреждении*

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz
azizxonnasritdinov1989@gmail.com



преступлений имеет организация нового механизма профилактической деятельности и ее эффективное планирование.

***Ключевые слова:** предупреждение преступлений, причина и условия, следователь, следователь, прокурор, представление, признаки преступления, дело о преступлении, уголовный процесс, социально-психологические причины и условия, объективная и субъективная причина, объективное и субъективное состояние, социально-психологические явления, антиобщественные взгляды, предмет доказывания.*

THE NATURE AND IMPORTANCE OF THE TASK OF CRIME PREVENTION IN THE PRELIMINARY INVESTIGATION.

***Annotation.** The article analyzes the opinions of specialists in the field of crime prevention by inquiry agencies, their concept, content, as well as regulatory documents in the field of crime prevention by inquiry agencies. Investigative authorities pay special attention to the issue of crime prevention. The final part of the article explains that the organization of a new mechanism for preventive activities and its effective planning are of great importance in early crime prevention.*

***Keywords:** crime prevention, cause and conditions, investigator, investigator, prosecutor, presentation, crime signs, crime case, criminal trial, socio-psychological cause and conditions, objective and subjective cause, objective and subjective condition, social-psychological phenomena, anti-social views, subject of proof.*

Жиноятларнинг олдини олиш ҳар бир жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев ташаббуси билан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликларни тизимли аниқлаш ҳамда уларга имконият



яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда¹.

Мамлакатимизда жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу ислохотлар “Инсон кадри учун” эзгу ғояси остида инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида қўшимча кафолатлар яратишга қаратилиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт стратегияси” беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиш берди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 16-мақсадида “...жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш кўзда тутилган”².

Албатта, жиноятларнинг олдини олиш самарадорлиги тергов органларининг жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолиятига бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тизимли ўрганиш, уларни тадқиқ этиш, тадқиқотлар асосида жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ишларни тўғри ташкил этиш жиноятчиликка қарши самарали курашишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Республикаимизда бу йўналишдаги ишларнинг салмоқли қисми терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан амалга оширилмоқда. Жиноятчиликнинг ҳозирги ҳолати тергов

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон Фармони.// URL:<http://www.lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022й



органларидан жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ тегишли чораларини кўришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳуқуқий жамият ва давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бири сифатида доимий ривожланиб бораётган ижтимоий муносабатларга мослашишга, жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибига, қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга³, шунингдек, жиноят содир этилишининг олдини олиш чораларини кўришга интилади.

Маълумки, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиб бориш фаолиятининг жиноят ишини қўзғатиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 296-моддасида “Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти” белгиланган бўлиб, унга кўра “жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт”лиги белгилаб қўйилган. Ушбу кодекснинг 297-моддасида эса “Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси” белгиланиб, унга мувофиқ “Суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади” деб белгиланган норма мавжуд.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти деганда, жиноят содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни жиноят-процессуал қонун нормалари асосида тартибга

³ Жиноят-процессуал кодекс 2-модда. // URL: <http://www.lex.uz>. Мурожаат вақти 28.12.2022 йил



солинадиган воситалар билан бартараф этиш чораларини кўриш тушунилади. Бундан ташқари, тергов органларининг мазкур фаолияти жамият аъзоларини ҳуқуқий тарбиялашда манзилли ишларни амалга ошириш, жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган.

Тергов органларининг асосий мақсадларидан бири жиноят содир этилишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлашдан иборат. Ўзбекистон Республикасида тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ҳамда вазирлар маҳкамаси қарорлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида тергов органларининг асосий вазифаларидан бири содир этилган жиноятларнинг олдини олиш бўлганлиги сабабли, уларнинг фаолиятини баҳолашда суриштирувчи, терговчи ва прокурорлар томонидан тайёргарлик кўриш босқичида олди олинган жиноятлар сони ҳам ушбу ҳисобга киритилади.

Жиноят-процессуал жиҳатдан жиноятнинг олдини олиш муайян жиноят иши бўйича иш юритишнинг ҳажми ва муддатлари билан, қонунда қатъий белгиланган усуллар билан чекланади. ЖПКнинг 297-моддасига мувофиқ “суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ҳам ишга қўшиб қўйилиши лозим”. Бу ерда қонун чиқарувчининг бўшлиғи бор, чунки биз тергов қилинаётган жиноятнинг сабаблари ва шароитлари ҳақида сўз юритмоқдамиз. Суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурор тергов қилинмаётган жиноят содир этилишига асос бўлган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаган тақдирда нима қилиши керак? Шундай экан, агар суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурор бундай сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаган бўлса, тақдимномада уларни



кўрсатиши қонуний асосга эга эмас, чунки бу сабаб ва шарт-шароитлар тергов қилинаётган жиноят доирасида эмаслигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида Республикамизда содир этилган жиноятларни ошиб боришига замин яратувчи омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Албатта, ушбу фаолиятни ташкил этишдаги бундай ҳолатни нормал ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддаси 2-қисмига қўшимча киритилиши керак, унда терговчи иш юритувида бўлган жиноят ишидан бошқа жиноятларнинг сабаблари ва шартлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида мавжуд камчиликлар қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

1. Жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўришга етарлича эътибор қаратилмаслиги, мансабдор шахслар томонидан жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўрмаганлиги;

2. Тергов бўлинмалари бошлиқларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти тўғри ташкил этилмаганлиги;

3. Корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарларининг, мансабдор шахсларнинг киритилган тақдимномаларнинг ижроси бўйича жиноят-процессуал қонунда белгиланган вазифаларга виждонан ёндашмаслиги;

4. Амалдаги ЖПКнинг жиноятларнинг олдини олишга доир нормаларнинг мукамал эмаслиги;

5. Қонун чиқарувчи томонидан тергов фаолиятида жиноятларнинг олдини олиш қандай усуллар ва воситалар билан амалга ошириш зарурлиги аниқ белгилаб берилмаганлиги.

Жиноят-процессуал назариясида жиноятларнинг олдини олиш ва унга имкон берган сабаб ҳамда шароитлар тушунчаларига нисбатан кўплаб таърифлар берилган. Шундай бўлсада биз энг аввало, “сабаб” ҳамда “шароит” сўзларининг луғавий маъноларига тўхталиб ўтсак. “Сабаб” сўзи ўзбек тилида



бир қатор маъноларда қўлланилади, яъни бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа воқеа; бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарсаси; бирон бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса, “шароит” сўзи эса объектив ҳолдаги муайян вазият, бирор нарсанинг бўлишига таъсир этувчи ҳолат, имконият сифатида изоҳланади. Маълум бўлдики, мазкур тушунчалар луғавий маъноларига кўра ҳам ўзаро узвий боғлиқ.

Қайд этиш лозимки, жиноятнинг содир этилишига олиб келган сабаблар, ўз навбатида, муайян шароитларда маълум бир оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, буларнинг эса шароит билан узвий алоқада эканлиги қонунияти жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Профессор З.С. Зарипов ўз илмий изланишларида жиноятнинг сабаб ва шарт-шароитларини тадқиқ этиб, “жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқелик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир, жиноятчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади деган фикрни илгари сурди”⁴. Ҳақиқатдан ҳам муаллиф жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайдиган сабаб ва шароитнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, ҳар қандай шароитнинг ўзи мустақил жиноятчилик ва жиноятни келтириб чиқармаслигини, шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир жиноят сабабсиз содир бўлмаслигини аниқ ва равшан ифодалаб берган.

В.Д. Малкова эса, жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўзига хос тарзда талқин қилган, яъни унинг фикрича жиноятнинг сабаби деганда шундай воқеа ёки ҳодиса тушуниладики, бундай ҳодисалар муайян шароитларда оқибатни келтириб чиқарадиган бошқа ҳодисаларни пайдо қилади. Жиноятнинг

⁴ Қаранг: Криминология. Дарслик. Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 65.



шароитлари эса ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатлар бўлиб, улар мустақил жинойтларни келтириб чиқармайди, балки унинг келиб чиқишига, содир бўлишига кўмаклашади, имкон яратади⁵.

Қайд этиб ўтилган фикрларда жинойтнинг сабаб ва шарт-шароитларини “сабаб” ҳамда “шароит” тушунчаларининг ўзаро узвий боғлиқлигида кўришимиз мумкин. Маълумки, ҳодисаларнинг сабабий боғланиши одатда бир ҳодисанинг бошқа ҳодисани келтириб чиқаришида намоён бўлади.

Ўрганишлар давомида шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай ҳодиса замирида муайян сабаб ётади, бу эса сабабсиз ҳодисалар бўлмаслигини англатади. Оқибатни келтириб чиқарган сабаб ва оқибат келиб чиқиши учун зарур бўлган ҳодисанинг муайян тарзда ривожланишини таъминлайди. Бунда сабабнинг вақт нуқтаи-назаридан оқибатдан доимо олдинда бўлишини таъкидлаш лозим. Албатта, жинойтга имкон берган сабаб ва шароитнинг муайян вақтда ҳаракатга келтирилиши жиноий оқибатни юзага келтиради. Жиноий оқибат эса жинойт қонуни билан қўриқланадиган объектдаги ижтимоий зарарли ўзгаришлар шаклида намоён бўлади⁶.

С.И. Данилованинг фикрича, жинойт содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар, объектив ва муқаррар равишда жинойтнинг содир этилишига олиб келадиган, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар мажмуи⁷ ҳисобланади. Фикримизча, муаллифнинг мазкур таърифи, жинойт-процессуал нуқтаи-назардан ёндашилганда ўринлидир. Чунки, жинойт содир этилишига имкон берган сабаблар занжири узун ёхуд қисқа бўлиши мумкин. Бунда бир жинойтнинг сабаблари маълум бир шарт-шароитларда жиноий оқибат келтириб чиқаргунига қадар узоқ вақт давомида етилиб, такрорланиб келган бўлиши ёхуд келиб чиққан жиноий оқибатга ўша онда имкон берган ва юзага келтирган сабаблар бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан жиноий оқибатни аввалги ҳодисаларнинг сабабий занжири оқибати, деб баҳолашимиз мумкин.

⁵ Криминология: Учебник под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.2014 – С.44.

⁶ Ўзбекистон юридик энциклопедияси нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. Т.:Адолат, 2010-Б. 170.

⁷ С.И. Данилова Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в стадии предварительного расследования.дисс.юрид. наук, Москва, 2011-С.37.



Жиноят-процессуал нуктаи-назаридан соҳа олимлари ҳамда мутахассислари жиноятнинг сабаблари ва асосларини жиноят белгиларининг мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар сифатида таърифлашган⁸. Фикримизча, мазкур таъриф жиноят-процессуал ҳукуки нуктаи-назаридан тўлиқ ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, жиноят белгилари мавжуд ҳолатлар жиноят иши кўзғатилишига сабаб бўлади, шунга мувофиқ унинг сабаб ва шароитлари ўрганилади.

Ўз навбатида С.В. Легостаев тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини, мажбурий характерга эга бўлган жиноят-процессуал функция сифатида ҳисоблайди⁹.

М.Ю. Григорьев эса терговчининг жиноятларни олдини олиш фаолиятини давлатнинг асосий йўналишларидан бири деб ҳисоблаб¹⁰, терговчи жиноят ишини юритиш соҳасида мустақил процессуал мақомга эга бўлган ҳолда жиноятларнинг олдини олишда асосий ўринлардан бирини эгаллайди, сабаби, унинг фаолияти бевосита ижтимоий хавфли ҳолатлар билан боғлиқдир дея қайд этади.

Юқорида келтирилган олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти мазмуни муайян жиноятларга ва уларга имкон берган сабаб ҳамда шарт-шароитларни мақсадли тарзда аниқлаш, шунингдек, шахс(лар)ни тарбиялаш, мавжуд бўлган криминоген таъсирларни бартараф этиш, деган хулосага келиш мумкин.

Р.Х. Душановнинг таъкидлашича, жиноятчи шахснинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф-муҳитдаги воқелик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим. Чунки ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноят содир этган шахснинг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига узвий боғлиқ. Қонунга итбат

⁸ А.Х. Раҳмонкулов, Д.М. Миразов, А.О. Шарафутдинов ва бошқ. Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.-Б.301.

⁹ С.В. Легостаев Предупреждение преступлений на стадии предварительного расследования Российский следователь. 2015. № 21-С.34-36.

¹⁰ Григорьев М.Ю. Профилактическая деятельность следователя-один из важнейших элементов борьбы с превышениями — должностных — полномочий. 233 ~~верненными~~ с применением психического и физического насилия, специальных средств или оружия / Российский следователь. 2013. № 23. С. 28-31.



қиладиган ва ўзини ўзи юксак даражада бошқара оладиган ҳалол инсон учун “жиноий” вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат ғайриижтимоий феълга эга бўлган шахснинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос¹¹. Жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларини ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодиса, воқеа, жараёнлар келтириб чиқаради. Ҳар қандай жамиятда, унинг ривожланишининг барча босқичларида ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд, лекин улар турли даражада бўлади.

Муайян жиноят содир қилиниши асосида ётган ижтимоий-психологик ҳодисалар, яъни ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, кўникмалар, ниятлар, хулқ-атвор субъектив сабаб ва шароитлар деб аталади. Шахсдан ташқарида бўлган ва унинг психологиясига таъсир қилиб, унда ғайриижтимоий қарашлар, одатлар, хулқ-атвори шакллантирадиган, уни мустаҳкамлайдиган ҳодиса, воқеа, жараёнлар эса объектив сабаб ва шароитлар деб аталади.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолияти ишни судга қадар юритиш босқичида амалга оширилади. Тергов органларининг жиноятларни олдини олиш масалалари бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асоси Жиноят-процессуал кодексининг 36,37,38,38¹,39,39¹ ва 297-моддалари билан тартибга солиниб, процессуал шакли тергов органлари томонидан корхона ва муассасалар раҳбарларига жиноят содир этилишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритишда ифодаланади. Фаолиятнинг процессуал бўлмаган шакллари тергов органи раҳбарларининг ихтиёрига кўра мустақил равишда ёки юқори турувчи органларнинг буйруқлари ва кўрсатмалари асосида белгиланади. Тергов органлари фаолиятининг мақсадлари нуқтаи назаридан жиноят ишлари бўйича жиноятларнинг олдини олиш ишлари тергов органларининг асосий

¹¹ Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. -Б. 15.



мақсадларидан биридир. Ушбу мақсадга эришиш тергов органларини профессионаллигини талаб қилади. Мазкур фаолият тергов фаолияти хилма-хиллигининг таркибий қисмларидан биридир.

Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш учун унинг мазмунини кенг ва тор маънода кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олишга доир кенг маънодаги фаолияти жиноят ишларини юритиш мақсадлари ва вазифаларига эришиши бўйича ҳамма ишни ўз ичига олади. Терговчилар қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, жиноят процесси иштирокчилари ҳамда бошқа фуқароларни қонунга итоаткорлик ва уни ҳурмат қилишга кўмаклашади. Таъкидлаш жоизки, бу ерда тергов органларининг асосий эътибори содир этилган жиноятларни фош этиш ҳамда тергов қилишга қаратилади лекин шу билан бирга жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, шахс(лар)да ҳуқуқий нигилизм пайдо бўлишининг ҳамда ахлоқий бузилишининг олдини олиш, криминоген вазиятни юзага келтирган шарт-шароитларни бартараф этиш муҳим ҳисобланади.

Назаримизда, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш йўналишларини билиш билан кифояланмасдан, уларни аниқлаш жараёнида айнан қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини билиш ҳам зарур. Зеро, сабабийлик муаммоси фақат назарий эмас, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шароитларни ўрганмасдан жиноятчилик билан оқилона кураш олиб бориб бўлмайди.

Мисол учун, алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олиш масаласида илмий-тадқиқот олиб борган М.Қ. Ўразалиев, фоҳишаликнинг асосий сабаблари сифатида:

- 1) маънавиятнинг пастлиги;
- 2) ишсизлик даражасининг юқорилиги;
- 3) оилавий масалалардаги “чигал”ликлар;



4) шахснинг ижтимоийлашувдаги нуқсонлари ва бошқаларни келтириб ўтган¹².

Маълум бўладики, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг мазмуни, тергов қилинаётган жиноят билан сабабий боғлиқликда бўлган криминоген омилларни аниқлаш ва бартараф қилишни, шу билан бир қаторда жиноят-процессуал фаолият доирасига кирган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказишни ўз ичига олади.

Тергов органларининг тор маънодаги жиноятларнинг олдини олиш вазифасини умумий, махсус, виктимологик ва якка тартибдаги жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ фаолияти ташкил этади. Тергов органлари ушбу фаолиятни қанчалик тўлақонли ва виждонан амалга оширсалар, жиноятларни фош этиш ва тергов қилишга кетадиган куч ва воситалар сарфи ҳамда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатлари камаяди.

Бундан ташқари, қонун чиқарувчи томонидан жиноят иши доирасида суриштирувчи ва терговчи жиноятнинг сабаби ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритган тақдимноманинг таърифи ишлаб чиқилмаган. Жиноят процессуал назариясида бу муаммо кўплаб муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган. Баъзилар тақдимнома терговчининг жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шартларни бартараф этишга қаратилган процессуал ҳаракати деб ҳисоблашади.

Айримлар бу масалада, тақдимнома терговчининг юқоридаги салбий ҳолатларга муносабати бўйича махсус процессуал ҳаракати деб ҳисоблайди.

Яна бир тоифа мутахассислар учун у терговчининг якуний процессуал ҳужжатидир¹³.

Олим Э.Х. Нарбутаев “терговчи жиноят ишини юритишда жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида алоҳида тергов ҳаракатларини ўтказмайди, улар ўз-ўзидан, тергов

¹² Ўразалиев М.Қ. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш. юрид. фан.докт. дис. –Т. 2016.-Б 152.

¹³ Звирбуль В.К., Михайлов А.И. Основные направления и формы работы следователя по предупреждению преступлений // Проблемы искоренения преступности. -М., 2005. С. 123 - 134.



чоғида шахсни айблаш ва ҳукм қилиш учун асос бўлган ҳолатларни исбот қилиш мобайнида тўлиқ ёки қисман аниқланади”¹⁴, деб ҳисоблайди. Аммо, Т.Р. Очиллов фикрига кўра “терговчи ҳар бир жиноят иши бўйича фақат ҳақиқатни аниқлаш билан чекланмай, бу ноҳуш ҳодиса такрорланмаслиги учун қандай чоралар кўриш зарурлигига эътибор бермоғи лозим”¹⁵. Унинг фикрига кўра, ЖПКнинг 297-моддаси талаби исботлаш предметиға киради ва бу талабни бажармаслик терговнинг тўла эмаслиги деб ҳисобланади. Қолаверса, криминоген омилларға тезкор-қидирув ва суд-экспертизаси амалиётида учраб турадиган нуқсонлар, профилактик фаолиятдаги камчиликларни ҳам киритади. Бизнинг фикримизча, мазкур омиллар жиноят иши юритувида алоҳида процессуал ҳаракатларнинг ўтказилишини тақозо этади.

Тақдимнома тушунчасининг таърифи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ўз аксини топмаган. Амалдаги ЖПКда жиноятларнинг сабабларини ва уларнинг содир этилишиға имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишға қаратилган тақдимноманинг шакли ва мазмуни белгиланмаган.

Аксарият ҳолларда терговчи ва суриштирувчи ўз тақдимномаларида жиноят содир этилишиға сабаб бўлган ҳолатларни акс эттиради. Шу билан бирга, амалиётчилар жиноий ҳаракатнинг ҳолати билан боғлиқ бўлган ҳолатларни кўрсатадилар. Кўриниб турибдики, бу ҳолат жиноят содир этилишиға сабаб бўлган субъектив омилларни (айбланувчининг жамиятға зид қарашлари, муносабати, одатлари ва бошқалар) аниқлашдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Бироқ бу ҳолатларни аниқлаш иложи йўқ дегани эмас. Аксинча, уларни аниқламасдан ва синчиклаб ўрганмасдан туриб, тўпланган далилларни, айниқса, вояға етмаганлар, шунингдек, ақли норасо шахсларнинг ижтимоий ҳавфли қилмишлари бўйича ишларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона баҳолаш мумкин эмас.

Жиноят содир этилиши мавжудлигини тасдиқловчи далиллар.

¹⁴ Жиноят процесси (Умумий қисм): Э.Х.Нарбутаев. ИИВ Академияси, - Т.,2013.-Б 95.

¹⁵ Т.Р.Очиллов. Йўл-транспорт ҳодисаларига оид ишлар бўйича исботлаш муаммолари: юрид. фан. ном.дис автореферат. Т., 2003.-19 б.



Жиноят содир этилишига олиб келган айрим сабаблар ва шарт-шароитлар мавжудлигини тасдиқловчи далилларга мурожаат қилиш зарурати шундан келиб чиқадики, тегишли мансабдор шахс тақдимнома асосида кўрсатилган ҳолатлар учун жавобгар шахсни маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 299-моддаси 1-қисмида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги тақдимнома юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи билан бир ойлик муддат ичида тегишинча суриштирувчини, терговчини, прокурорни хабардор қилиши шарт. Бироқ, бизнингча, бундай матн тўлиқ муваффақиятли эмас, чунки амалда терговчилар кўпинча почта орқали тақдимномаларни юборишади. Шу муносабат билан, қабул қилувчи уни узоқ вақт давомида ололмаслиги мумкин, бунинг натижасида у қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда унга нисбатан зарурий чораларини кўриш имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин. Шундай экан, юқоридаги модданинг таҳрири энг тўғри бўлиб, тегишли ташкилот ёки мансабдор шахсни терговчини, суриштирувчини тақдим этган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай кўрилган чоралар тўғрисида кўриб чиқиш ва хабардор қилишга мажбур қилади, деб ўйлаймиз.

Юқорида айтилганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 299-моддаси 1-қисмини ўзгартириш таклиф қилинади. “Терговчига, баъзи ҳолларда, юқорида кўрсатилган ҳолатларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш учун ўз хоҳишига кўра, тақдимномани бажариш учун қисқароқ муддатлар белгилаш” ҳуқуқини берадиган қондани киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз лозимки, суриштирувчи, терговчи ҳамда прокурорнинг жиноятларнинг олдини олиш билан боғлиқ фаолияти ўта муҳим бўлиб, ушбу жараён унга масъул бўлган шахсдан катта эътибор талаб



этади. Шу нуқтаи назардан, тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти жиноят процессининг муҳим бўғинларидан бири бўлиб, жиноят-процессуал қонунга асосланади ва у билан тартибга солинади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликнинг 2-моддасида жиноят процессининг вазифалари каторида жиноятларнинг олдини олиш алоҳида кўрсатилганлиги ҳам тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Зеро, халқимизда “касалликни даволашдан кўра уни олдини олмоқ афзалроқдир”, деган нақлнинг борлиги ҳам жиноятларни фош этиш, уни содир этган шахс(лар)ни жавобгарликка тортишдан кўра жиноят содир этилишининг олдини олиш ҳар томонлама зарурлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947-сон Фармони. //URL:<http://www.lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022й
3. Жиноят-процессуал кодекс 2-модда. // URL:<http://www.lex.uz>. Мурожаат вақти 28.12.2022 йил
4. Қаранг: Криминология. Дарслик. Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 65.
5. Криминология: Учебник под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.2014 – С.44.
6. Ўзбекистон юридик энциклопедияси нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ. Т.:Адолат, 2010-Б. 170.



7. С.И. Данилова Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в стадии предварительного расследования. дисс. юрид. наук, Москва, 2011-С.37.
8. А.Х. Рахмонкулов, Д.М. Миразов, А.О. Шарафутдинов ва бошқ. Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.-Б.301.
9. С.В. Легостаев Предупреждение преступлений на стадии предварительного расследования Российский следователь. 2015. № 21-С.34-36.
10. Неъматов, А. "ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ." *Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities*. Vol. 3. No. 5. 2024..
11. Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. -Б. 15.
12. Ўразалиев М.Қ Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш. юрид. фан.докт. дис. –Т. 2016.-Б 152.
13. Звирбуль В.К., Михайлов А.И. Основные направления и формы работы следователя по предупреждению преступлений // Проблемы искоренения преступности. -М., 2005. С. 123 - 134.
14. Жиноят процесси (Умумий қисм): Э.Х.Нарбутаев. ИИВ Академияси,- Т.,2013.-Б 95.
15. Т.Р.Очилов. Йўл-транспорт ҳодисаларига оид ишлар бўйича исботлаш муаммолари: юрид. фан. ном.дис автореферат. Т., 2003.-19 б.